Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

26 февраль, чоршанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 43 (1560)

## АССАЛОМУ АЛАЙКУМ ВАРОХМАТУЛЛОҲИ ВАБАРОКАТУХ

### МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТ АБДУҒАНИ ЎҒЛИ ИСЛОМ КАРИМОВ

*Мен 87 ёшга кирган, республикамиз меъморчилигида баҳоли қудрат меҳнат қилган ҳунарманд Сайидаҳмад Маҳмудов ҳаётим давомида кўплаб раҳматлар эшитдим, турли мукофотларга, унвонларга сазовор бўлдим. Бола чақаларим, невара ва авараларим билан яхши ҳаёт кечириб келмоқдаман. Нимага эришган бўлсам, ҳалол меҳнат ва инсоф-иймон, диёнат туфайли эришдим.*

*Сизнинг бошчилигингизда Ўзбекистон мустақилликка эришгач янги куч-қувват билан миллий санъатимизни ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдаман. Албатта, 87 ёш инсон учун кичик ёш эмас, шу туфайли кейинги вақтларда кўриш, эшитиш қобилиятим бир мунча сусайган эди.*

*Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизда Қўқон ўрдасини таъмирлашда мени, фарзандларимни ва шогирдларимни арзимас хайрли ишини ибрат сифатида кўрсатганингиз менга ҳар қандай дори-дармондан кучли таъсир қилди, мен ёшаргандек бўлдим, кўриш ва эшитиш қобилиятим анча яхшиланди, ғайратим жўшди. Сизнинг мақтовингизни мен аввал олган ҳамма мукофот ва унвонларимдан юқори ҳисобладим.*

*Шунинг учун мен Сизга ушбу раҳматномани йўлламоқдаман ишонаманки, Сиздек кишиларни эзгу меҳнатларини қадрига етадиган раҳбар билан, мамлакатимиз равнақ топажак.*

**Сизга Оллоҳдан сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қолувчи наққош Сайидаҳмад Маҳмудов.**

# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон-Америка бизнес алоқаларида қанчалик ютуққа эришилган бўлса, бунда Рут Харкин хонимнинг ҳиссаси ҳам шунчалик каттадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг хориждаги хусусий сармоялар бўйича корпорацияси (ОПИК) президенти ва бош ижрочиси Рут Харкин хоним билан суҳбати чоғида шундай дея алоҳида таъкидлади. 25 февраль куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Рут Харкин Ўзбекистон Республикаси Президенти қабулида бўлди.

Қабул маросимида Ислом Каримов Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг тобора ривожланиб бораётганини қайд этиб, бунда америкалик хусусий тадбиркорларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқалари, хусусан, ОПИК билан ҳамкорликда қилинадиган ишлар кўлами билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Т. Эскудеро ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

*СУРАТДА: қабул пайти.*

**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

# «ЎЗАГРОСУҒУРТА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Суғурта хизматлари соҳасини самарали ривожлантиришни таъминлаш, деҳқончилик маҳсулоти етиштирувчиларни ва аҳолини суғурта йўли билан ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмасининг, «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг, «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк» тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат Суғурта бош бошқармаси негизида «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда у барча мулкий ва номулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат суғурта бош бошқармасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

-- деҳқончилик соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулки ва маҳсулоти суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

-- деҳқончилик соҳасидаги товар ишлаб чиқарувчи -- қарз олувчиларнинг тўлашга қодирлигини ўрганиш ҳамда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва деҳқончилик соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиб бериладиган кредитларни қоплашга суғурта кафолатларини тақдим этиш;

-- деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича ишларни ўтказиш учун аванс тариқасида бериладиган маблағлар қайтарилишини суғурталаш;

-- юридик ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама суғурта хизматлари кўрсатиш, қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг шахсий ҳамда мулкий манфаатлари суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

3. «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик компаниясининг устав сармояси муассислар томонидан 2000 миллион сўм миқдорида эълон қилинганлиги ва у қуйидаги муассислик бадаллари ҳисобидан ташкил топиши маълумот учун қабул қилинсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1500 миллион сўм миқдордаги маблағидан, бу маблағ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қайта ташкил этилаётган Давлат Суғуртаси бош бошқармасининг ўз маблағларидан ҳосил бўлади;

б) «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмасининг 250 миллион сўм миқдордаги;

в) «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг 100 миллион сўм миқдордаги;

г) «Пахтабанк» тижорат банкининг 35 миллион сўм миқдордаги;

д) «Ғаллабанк» тижорат банкининг 10 миллион сўм миқдордаги;

е) «Мевасабзавотбанк» тижорат банкининг 5 миллион сўм миқдордаги;

ж) акцияларни эркин сотиш, шу жумладан хорижий сармоядорларга сотишдан тушадиган 100 миллион сўм миқдордаги маблағлардан.

4. «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари даромад ва мулк солиқларини тўлашдан беш йилга озод қилинсин ва бунда солиққа тортишдан бўшаган маблағларнинг ҳаммаси компаниянинг суғурта (захира) жамғармасини кўпайтиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда компания фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 февраль

## МУДОФАА ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

25 февраль куни Тошкентда МДҲ мамлакатлари -- Қозоғистон мудофаа вазири генерал-полковник Мухтор Олтинбоев, Қирғизистон мудофаа вазири генерал-полковник Мирзакан Субанов, Россия мудофаа вазири Игорь Родионов, Тожикистон мудофаа вазири генерал-майор Шерали Хайруллаев, Ўзбекистон мудофаа вазири генерал-полковник Рустам Аҳмедовларнинг амалий учрашуви бўлди.

Учрашув чоғида ҳарбий маҳкамаларнинг раҳбарлари минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятни батафсил муҳокама қилдилар, Афғонистондаги қуролли қарама-қаршилик кучайганидан жиддий ташвиш билдирдилар.

Бу мамлакатдаги қуролли можаро давлат ичидаги бир-бирига қарши кураш доирасидан четга чиқиб, минтақа хавфсизлигига раҳна сола бошлагани таъкидланди.

Учрашув иштирокчилари ўзларини қизиқтираётган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар. Амалий учрашув якунлари бўйича протокол имзоланди.

**(ЎзА).**

# РАҚС САНЪАТИГА ЭЪТИБОР

***Мамлакатимизда санъатга, жумладан, рақс санъатига эътибор кучайиб бормоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони бу борада айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонга кўра Мукаррам Турғунбоева номидаги миллий рақс бирлашмаси -- «Ўзбекрақс» ташкил этилди.***

25 февраль куни «Баҳор» концерт залида ана шу янги ташкилотнинг дастлабки йиғилиши бўлди. Унда бадиий жамоалар вакиллари, пойтахт театрлари артистлари, устоз санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Йиғилишни маданият ишлари вазири Х. Жўраев очди.

«Ўзбекрақс» бирлашмасининг бош директори этиб тайинланган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Ю. Исматова ва бошқа сўзга чиққанлар мазкур янги бирлашманинг асосий фаолияти ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жозибали рақс намуналарини янада бойитишга, маънавиятимизни, қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат эканлигини айтдилар, бирлашманинг ижодий режалари хусусида сўзладилар. Санъатга, жумладан рақс санъатига кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдирдилар.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## «ЖАҲОН БОЗОРИ» АВТОМОБИЛЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛМОҚДА

Андижон вилоятидаги энг катта «Жаҳон бозори»да автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини сотиш йўлга қўйилди.

«Жаҳон бозори» серқатнов айланма йўл бўйида, автостанция ёнида жуда қулай жойлашгани туфайли савдо-сотиқ, харид қилиш учун бу ерга жуда кўп одамлар келади. Шу билан бирга бозорда сотувчилар ва харидорлар учун яхши шароит яратилган--нотариал идора очилган, ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати бўлимининг филиаллари, мулкни сотиш ва харид қилишни расмийлаштириш учун зарур бўлган бошқа муассасалар ишлаб турибди. Бу эса Фарғона водийси аҳолиси орасида янги автотранспорт бозори муваффақият қозонишига кўмаклашади.

**(ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ МАЖЛИСИ

### 25 февраль куни Конституциявий суднинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 1996 йилда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб чиқиш натижалари кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, суд маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг икки мингдан зиёд ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлил қилиб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлади.

Давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан мослиги эътироф этилди. Улар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини амалга оширишга, қонунларни, Президент фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажаришга қаратилган.

Шу билан бирга, ҳокимлар қабул қилган айрим ҳужжатлар Конституцияга мувофиқ эмас.

Чунончи, Сурхондарё вилояти ҳокимининг 1996 йил 15 августдаги «Сурхондарё» бадиий альбомини чиқариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисида»ги фармойишига биноан Денов акциядорлик пахта тозалаш корхонасининг мулк ҳуқуқи бузилган.

Конституциявий суд Хоразм вилояти ҳокимининг 1996 йил 11 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган низомнинг 2, 7- бандини Конституцияга зид деб топди. Низомга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига уларнинг фаолиятига хос бўлмаган вазифа юкланган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ҳокимлик таркибига кирмаслиги ҳисобга олинмаган. Улар ўз ҳудудида ижтимоий ва хўжалик вазифаларини «Фуқароларнинг ўзини ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ваколатларга мувофиқ мустақил ҳал этади.

Бир қатор вилоят ҳокимларининг фармойишлари билан судьялар мукофотланган, вилоят адлия бошқармалари ҳайъатларнинг аъзолари этиб тасдиқланган, ҳокимият ижроия органларининг турли комиссиялари таркибига киритилган. Ҳокимларнинг эътибори шунга қаратилдики, Конституциянинг 11 ва 106-моддаларига мувофиқ, судьялар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақилдирлар, шу сабабли уларнинг фаолиятига ҳокимликлар баҳо бериши мумкин эмас, худди шунингдек судьяларга ижро этиш ҳокимияти ўз вазифаларини юклаши қонуний эмас.

Норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатларни қабул қилишда ҳам камчиликлар бор.

Юқорида баён қилинганлар ва Конституциявий нормаларнинг бошқа бузилишлари тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар хабардор қилинди.

**(ЎзА).**

*ЙИЛ ЯКУНИ*

# АРОСАТДА ҚОЛГАН МУЛК

### Ёзёвон туманида ғаллачилик ва чорвачилик нега ўгай соҳага айланди?

***Фарғона вилояти бошоқли дон тайёрлаш топшириғини уч йилдан буён бажармай келмоқда. Ўтган йили бу соҳадаги топшириқни вилоят жамоа секторида 77 фоиз, Ёзёвон, Охунбобоев, Фарғона, Данғара ва Бағдод туманлари эса 60-70 фоиз бажардилар, холос.***

Мана, тўртинчи йилдирки, ёзёвонликлар пахтачилик билан бир қаторда ғаллачиликни ҳам йўлга қўйишга ҳаракат қилишяпти. Афсуски, фақат интилиш, иштиёқ билан иш битмас экан. Ҳар йили вилоят бўйича ғаллачиликда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳақида гап кетса ёзёвонликлар ҳам тилга олиб ўтилади. Чунки, ғаллачиликда туб бурилиш бошланганидан бери туманда бирор мақтовли иш қилингани йўқ.

Ўтган йили туманда 23 минг 620 тонна бошоқли дон етиштирилиши керак эди. Бу кўрсаткич 19 минг 984 тоннада қолиб кетди. Ҳосилдорлик ҳам кўзланганидан 8 центнер кам -- 29 центнерга етказилди, холос. Давлат буюртмасидагидан 1235 тонна кам -- 10970 тонна ғалла топширилди. Ун ишлаб чиқариш технологиясининг энг кам кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаганда ҳам ёзёвонликлар давлатдан 900 тоннадан кўпроқ юқори сифатли ун қарз бўлиб қолдилар. Агар ҳозирги кунда туман бўйича ойига 220-250 тонна атрофида ун тарқатилаётганлигини ҳисобга олсак, буюртмадаги камомад туман аҳолисини бемалол 3-4 ой таъминлашга етарди.

Туман раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, кондицияга етказилмаган уруғлар сепилгани, бунинг устига экиш ноябрь ойига қадар чўзилиб кетганлиги, табиий офатлар ҳосилга жиддий зарар етказганлигини рўкач қилишади. Лекин бу баҳоналарни супуриб ташлайдиган мисолларни туманнинг ўзидан ҳам бемалол топиш мумкин. Чунончи, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 1995 йилда 56 центнердан, ўтган йили эса 45,2 центнердан ҳосил олинди. «Чўлигулистон» «Шарқ юлдузи», Тошбоев номли жамоа хўжаликларида ҳам режадаги топшириқни уддалайдиган даражада ҳосил етиштириляпти. Лекин «Хонобод», Охунбобоев, Навоий номли жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик 24-26 центнердан ошмаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бу хўжаликларнинг раҳбарлари яхши ерларни пахтага ажратиб, ғаллани чўлда янги ўзлаштирилган қумли ерларга суришган. Уларнинг кўпчилиги ғаллачиликка пахтачиликдек эътибор бермай, ўгай соҳа сифатида қарашади.

Туманда ғалла етиштиришни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб бўлган шахсий томорқа эгалари, фермер хўжаликлари ҳар қандай шароитда ҳам юқори ҳосил олишяпти. Ўтган йили улар 695 гектар ерда деҳқончилик қилиб, 52 центнердан хирмон кўтаришди. Шахсий ер эгалари жами ғаллазорларнинг 10 фоизига яқин ерда деҳқончилик қилган ҳолда ялпи ҳосилнинг салкам 20 фоизини етказиб бердилар. Авазбек Турғунов, Тоҳир Сиддиқов, Мўминжон Деҳқонов сингари ғаллакор оилаларнинг кўрсаткичи 60 центнерга етиб қолган. Наҳотки, уларнинг тажрибасини, дон етиштиришдаги кўп йиллик маҳоратларини туман бўйича ўрганиш, кенг ёйишнинг имконияти бўлмаса?!

Иккинчи секторни асосан жамоа хўжаликлари ташкил этади. Ўтган йили 11 та хўжаликдан 6 таси дон етиштириш ва давлатга сотиш режаларини уддалади. Ҳосилдорлик 31 центнерданга тўғри келди. Лекин бу бир йил аввалги кўрсаткичдан 6,4 центнер камлигини раҳбарларнинг эслагиси келмайди. Асосий юк айнан шу тармоққа тушишини раҳбарлар эътибордан соқит қилмасликлари зарур.

Туманнинг оёғига кишан бўлиб турган учинчи тармоққа мутлақо эътибор берилмасдан, ишлар ўлда-жўлда ташлаб қўйилган. Туман сарҳадида ўндан ортиқ вилоят ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликлари деҳқончилик қилади. Ўтган йили шу «узоқдан келиб ишлайдиган деҳқонлар» 291 гектар майдонга уруғ сепишган эди. Аранг 7 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган. Пировард натижада бир арава келмайдиган буғдойни ортиб, шаҳарга равона бўлган вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, сув иншоотлари қурилиш тресті, «Сувоқова» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Марғилон ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа «чўлқувар ғаллакорлар» олтинга тенг буғдойнинг сарф-харажати қанча бўлганлигини дўппини ерга қўйиб, ўйлаб кўришса бўларди!

Шароф Рашидов номидаги хўжалик туман марказидан қирк километр олисда -- Марказий Фарғонанинг қоқ ўртасида жойлашган. Хўжалик бундан ўн беш йил аввал дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган давлат хўжалиги сифатида ташкил этилган эди. Яъни, ғаллачилик хўжаликнинг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади.

Чорвачилик комплексида 14 минг бош қорамолни парваришлаш учун бинолар ҳам, механизмлар ҳам етарли. Аммо жаҳон чорвачилигининг энг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилган йирик комплексда бор-йўғи 400 бошга яқин қорамол бор. Бўрдоқи гўшти етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликда юз бош сигир ҳам парвариш қилиняпти. Уларнинг ҳар биридан қанчадан сут соғиб олинаётганини айтишга ҳам хижолат бўласан киши. Ҳар бош сигир ўртача бир литр атрофида сут бераяпти. Ана шу юз литр маҳсулотни Бағдоддаги қайта ишлаш корхонасига -- салкам 60 километр масофага етказиб беришга ҳар куни битта машина овора.

Хўжаликда чорвачиликни уддалай олишмаган экан балки, иккинчи соҳа, яъни дончиликни ўрнига қўйишган бўлса керак, дейишингиз мумкин. Афсуски, бу соҳадаги ишлар чорвачиликдаги аҳволдан ҳам бешбаттар. Ўтган йили хўжалик бўйича 507 гектар майдонга бошоқли дон экилди. Бу режадагидан 303 гектар кам. Ҳар гектар майдондан 26 центнер ўрнига зўрға 9,3 центнердан ҳосил олинган. Жавдар, арпа, сули ҳосилдорлиги эса сочилган уруғни қоплайдиган даражада ҳам бўлгани йўқ -- 2,7-4 центнердан ҳосил олинган, холос., Бундай деҳқончилик кимга керак?

Афсуски, хўжаликда ернинг шароити, сув таъминоти, тупроқ унумдорлигига қараб экинларни жойлаштириш, чўлда қандай экиндан яхши ҳосил олиш мумкинлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўрилмаяпти. «Бор отангга, бор онангга» қабилида иш юритилиши туфайли не машаққатлар билан давлат маблағи ҳисобига ўзлаштирилган ерларнинг умри беҳуда ўтаяпти.

Хўжаликда Ғанижон Хусанов деган бригада бошлиғи бор. Биз у кишининг меҳнаткашлиги, чўлга келиб ишлаётганига мутлақо шак келтирмоқчи эмасмиз. Лекин, бу «тадбиркор» бригадир режаларини муттасил бажармай, кулгили даражада ҳосил олаётганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз, холос. 1995 йилда у бошлиқ бригада 110 гектар ердан 1,7 центенрдан буғдой олган. Хўжалик раҳбарлари уни ишдан четлаштириш ўрнига 1996 йилда яна 20 гектар буғдой ва 15 гектар майдондаги арпани ишониб топширишди. Натижа нима бўлди денг? Буғдойнинг ҳар гектаридан 4 центнердан, арпадан эса 2,4 центнердан ҳосил олинди. Бригаданинг кўтарган хирмони нари борса 2 та прицепга юк бўлган. Муҳаррамхон Исмоилова етакчилик қилаётган бригада ўтган йили 30 гектар ерда роппа-роса бир тонна ҳосил етиштириб берган экан. Бу йил яна ана шу «уддабурон» бригада бошлиғига 25 гектар ер ишониб топширилибди. Ўтган йили 4-6 центнерлик маррани «забт» этган Содиқжон Эшбоев, Жўра Ғофуров, Холдор Мадраҳимов сингари «ғаллакорлар» эса бу йил «28-31 центнерлик маррани кўзлаб, астойдил меҳнат қилишяпти».

Ғаллачиликка бу қадар масъулиятсизлик билан қараш хўжаликнинг ўнгланмаётган иқтисодиётини янада чўктираяпти. Ўтган йили давлатга сотилган 316 тонна ғалладан 697 сўм даромад қилинган. Холбуки, хўжалик бўйича уруғлик сотиб олишга 731 минг сўм сарфланган экан. Ҳали биз 487 минг сўм минерал ўғитга, 230 минг сўм иш ҳақига, 200 минг сўм ёнилғига, 410 минг сўм автотранспорт ва амортизацияга кетган харажатларни бу ҳисобга киритганимиз йўқ. Фақат ғалла етиштиришнинг ўзига 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланибди. Ўринли савол туғилади: Уч сўм харжлаб, бир сўм фойда олиш кимга керак? Шундай иш юритиш билан кимнинг косаси оқаради?

Балки, хўжаликка қарашли 2 минг гектардан зиёд ҳайдаладиган ер умуман деҳқончилик қилишга яроқсиздир? Ундай десак, хўжалик ўрамида истиқомат қилаётган 110 оила шоли ва полиз маҳсулотларини рисоладагидек етиштириб, тирикчиликларини қилишиб юришибди-ку. Бу ерда етиштириладиган тарвузнинг ширинлиги бутун водийга овоза бўлган. Шундай экан, ер суядиган, ширкумларга мос экинларни экиш фурсати етмадимикин?!

Тўғри ҳали ҳам хўжалик раҳбарлари экинларни вилоят ва тумандан бериладиган топшириқ бўйича жойлаштиришга мажбурлар. Лекин, ҳақиқий аҳвол тушунтирилса, бўлади-ку.

Аммо асосий иллат бошқа ёқда. Гап шундаки, бу хўжалик ҳанузгача давлат тасарруфидан чиқарилмаган, хусусийлаштирилмаган. Демак, мулк ҳамон эгасини топмай, аросатда ётипти. Шу боис ишлар ўлда-жўлда. Ким қандай элласа шундай ризқини териб еб юрибди.

Бу йил хўжаликка 357 гектар майдондан 30,3 центнердан, жами 1080 тонна бошоқли дон топшириш режаси берилган. Ҳали хўжалик тарихида 10 центнерга етказиб ҳосил олингани йўқ. Топшириқ эса ундан уч марта ортиқ.

Шу ўринда режалаштириш ташкилотларига ҳам эътирозлар бор. Туман бўйича ўтган йили ҳосилдорлик 29 центнер бўлди. Бу йил ғалла майдонлари 790 гектар камайтирилиб, озуқа экинларига бўшатиб берилди. Лекин режа аввалгидек қолиб, ҳосилдорлик 40 центнер қилиб белгиланди. Ахир, бу йиллик режаларни атайлаб барбод қилиш деган гап эмасми?

Афтидан, вилоят, туман режалаштириш идоралари Ёзёвондаги вазиятни чуқур ўрганиб, ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб иш кўришлари керакка ўхшайди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

